# ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ РИВОЖИДАГИ АҲАМИЯТИ

**Маматкулов Илҳом Абдурашидович**
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш
институти ректори, и.ф.д.

***https://doi.org/10.5281/zenodo.10827153***

Маълумки, таълим ва тарбия масаласи доимо давлат ва жамият тараққиётининг асоси бўлган. Чунки инсон жамиятдаги барча муносабатлар, алоқаларнинг марказида туради. Фан-техника ва ахборотдаги инқилоб инсон ва унинг илмий-маърифий салоҳиятини ижтимоий-иқтисодий юксалишининг ҳал қилувчи омилига айлантирди.

Мамлакатимизда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш мазмунини замонавий талаблар асосида тубдан қайта кўриб чиқиш, рақобатбардош олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш ҳамда соҳани жаҳон стандартлари даражасида ривожлантиришда олий таълим тизимида инновацион фаолиятни бошқаришни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада асосий билим соҳалари бўйича электрон таълим ресурслари миллий тизимини яратиш, жаҳоннинг таълим ресурсларига кириш ва бу инфраструктурани такомиллаштириш, ўқув жараёнида жаҳоннинг ва миллий электрон таълим ресурсларидан ахборот коммуникация технологиялари орқали фойдаланиш, ўқув юртларини моддий-техника базасини ва тармоқли инфратузилмани ривожлантириш муаммолари олий таълим тизимида долзарбдир.

Хусусан, ўсиб келаётган авлоднинг бугунги кунда таълим соҳасида ташкил этилган замонавий моддий-техник базасидан самарали фойдаланишини таъминлаш, олий таълим тизимидаги йўналишлар ва мутахассислар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак.

Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим. Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади”, дея таъкидланганди.

Таъкидлаш жоизки, жаҳоннинг ривожланган давлатларида, хусусан АҚШ, Германия, Буюк Британия, Япония, Жанубий Корея, Сингапурнинг ривожланиш гарови бўлиб инсон омилини кучайтиришга қаратилган инвестициялаш, яъни инсон салоҳияти тараққиёти, хусусан аҳоли таълим даражасининг ошиши ва ёш кадрларнинг профессионал тайёргарлиги билан белгиланади. Мамлакат ва минтақаларнинг устувор иқтисодий ўсишини таъминлашнинг йўли замонавий босқичда айнан таълим сифатини ошириш соҳасида топилади.

Маълумки, бугунги кунда дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган давлатларида таълим парадигмаси ўзгариб бормоқда. Осиё таълим моделига асосан ўқув жараёни назарий билимлар беришдан олинган билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларини ривожлантиришга, ахборот технологиялари асосида талабаларда мустақил таълим олиш малакаларини шакллантиришга қаратилмоқда. Ўзбекистондаги ислоҳотлар истиқболи нафақат мамлакатдаги мавжуд барча тажриба, анъана ва қадриятлар, балки илғор халқаро хорижий тажрибадан фойдаланишга ҳам асосланган.

Бугунги кун университетларида таълим йўналиши бўйича бакалавр ва магистрларга потенциал иш берувчиларнинг профессионал мезонларига мувофиқ амалга оширилаётган ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш орқали ахборот-таълим муҳитини ривожлантириб, таълим сифатини ошириш долзарб масалалардан биридир. Университетларда ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ахборот-таълим муҳитини ташкил этиш, талабалар ҳиссиётларини шакллантириш тизими сифатида ижтимоий-маданий, ўқув, касбий ва илмий-тадқиқот жараёнларини бирлаштириб, уларда тегишли компетентликларни шакллантириб, муайян индивидуал ўқув дастури доирасига йўналтиради.

Олий таълимда ахборот-таълим муҳитини яратишнинг мақсади таълим муассасасида содир бўлаётган барча ахборот жараёнларини янги технологик босқичга ўтказиш, талабаларга фанларни ўқитиш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш зарур шартлардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” 3-бобининг иккинчи параграфида “... рақамли иқтисодиёт учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш; замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, бу борада педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш; таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг жорий этиш; замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш» каби тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Таълим соҳасининг ҳозирги ривожланиш босқичи ўқув жараёнининг барча иштирокчилари фаолиятига ахборот ва телекоммуникация технологияларини оммавий равишда киритиш билан тавсифланади. Таълимни ахборотлаштириш уни такомиллаштиришга мажбур қилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланиб, унинг муҳим воситаси – бу Интернет тизимида нашр этилган таълимга оид ахборот ресурсларидир. Профессор-ўқитувчилар томонидан ўқитиладиган фанларнинг интерфаол дарсликларини, электрон ўқув-услубий мажмуаларини ёки веб-сайтларини ишлаб чиқиш, олий ўқув муассасанинг ахборот-таълим муҳитини яратишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Шу муносабат билан олий таълимда фаолият юритувчи ўқитувчилар Microsoft Office дастурларидан MS Word, MS Excel, MS Power Point, MS Access, амалий дастурлардан AutoPlay media studio 8, Adobe Flash, Macromedia dreamweaver, веб-сайтларни яратишга мўлжалланган

дастурлардан HTML, TurboSite, WordPress, Joomla ва бошқа дастурлардан фойдаланиб электрон ахборот-таълим ресурсларини ва веб-сайтларни ишлаб чиқишлари ҳамда талабаларга фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиб, ахборот-таълим муҳитини яратишлари мумкин.

Профессор-ўқитувчилар томонидан ахборот-таълим муҳитини лойиҳалашда қуйидаги тамойилларга риоя қилишлари мақсадга мувофиқдир. Масалан:

кўп муҳитлилик – ахборотларни қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва намойиш қилишда компьютер технологияларига мослашувчи матнлар, овоз, видео, график тасвир ва анимацияларни тайёрлаш;

ўзгарувчанлик – талабаларга мустақил равишда таълим олиш йўналишини танлаш имкониятини яратиш;

мослашувчанлик – талабаларни келгуси касбий фаолиятга тайёрлашда зарур бўлган ахборот-ўқув материалларини этказиб бериш ва электрон ахборот-таълим ресурсининг муайян фан предметининг ўзига хос хусусиятларига мослигини таъминлаш;

кўп фойдаланувчанлик – талабаларга исталган жойдан Интернет тармоғи орқали ахборот-таълим муҳити таркибий қисмларига киришни таъминлаш ва электрон ахборот-таълим ресурсларидан кенг ва очиқ фойдаланиш;

самарадорлик – муҳит объектларини қидириш ва узатиш вақтини камайтириш, технологиялар инвариантлиги орқали қўшимча ишлов берилмасдан замонавий ахборот маҳсулотлари даражасида ишлашга тайёр бўлиш имкон берадиган технология ўзгариши ва ҳ.к.

Профессор-ўқитувчилар томонидан замонавий ахборот технологиялари асосида ахборот-таълим муҳитини яратиш таълим жараёнининг юқори иқтисодий самарадорлигини, мослашувчанлигини, электрон ахборот-таълим ресурслардан кенг фойдаланишни ва ўқитишнинг анъанавий шакллари имкониятларининг сезиларли даражада кенгайишини ҳамда таълимнинг янги самарали шаклларини ишлаб чиқиш имкониятларини яратади.

Шунингдек, олий таълимда ахборот-таълим муҳитини яратишнинг бир қанча афзалликлари ва камчиликларини таъкидлаб ўтиш жоиз. Унинг афзалликлари:

ўқув дастуридаги фанларнинг бирикмаси сифатида ахборот-таълим муҳитини лойиҳалаш ва яратишнинг соддалиги;

ўқув жараёнини нисбатан содда ташкил этиш;

турли хил таълим ташкилотлари томонидан тайёрланган, стандартлаштирилган курслардан фойдаланиш ва бошқалар.

Камчиликлари эса:

фанлараро алоқаларни ўз ичига оладиган ва фаннинг алоҳида бўлимларини батафсил, чуқурлаштирадиган қўшимча ўқув материалларига асосланган ва уни бир-бирига боғлиқ бўлмаган модуллар тизими кўринишида тақдим этишга ҳаракат қиладиган таълим дастури доирасидаги билимлар тизимининг яхлитлиги ўртасидаги номувофиқлик;

муаллифнинг объективлиги нуқтаи назаридан таълимий курсларни тайёрлаш жараёнида иштирок этган шевага хос атамалари;

фан бўйича билимларни чуқурлаштириш учун қўшимча ахборот манбаларини излаш зарурияти;

ўқув материалини идрок этишда тизимлилик, яхлитлиликнинг ва модулларнинг кўплиги умумлаштиришга ҳисса қўшмаслиги;

ўқув дастурида сабаб ва оқибат муносабатлари мантиғининг йўқлиги;

кенг қамровли мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилган таълим тизимига мослашишдаги қийинчиликлар;

ўқув жараёни, илмий ва илмий-педагогик мактабларнинг анъаналари ўртасидаги тафовут ва бошқалардан ташкил топади.

**REFERENCES**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/4545884

2. Kayumova N.A. Raqamli texnologiyalardan foydalanish muhitida informatika o‘qituvchisining kasbiy kompetentlik mezonlarini ishlab chiqish. Муҳаммад ал-хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали. Ижтимоий соҳаларни рақамлаштиришда инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти. Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами 2020 йил 29-30 апрель. 126-128 б.

3. Информационно-образовательная среда. http://dzschool18.ru/index.php?option=comcontent&view=category&id=35&layout=blog&Itemid=20.

4. Гапоненко А.В. Особенности формирования образовательной среды современного университета. http://naukarus.com/osobennosti-formirovaniya-obrazovatelnoysredysovremennogo-universiteta.